

Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди | Сийрат дарслари (245-дарс)



19:00 / 02.09.2023 4161

269. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун фарздир».**

Ибн Можа, Байҳақий «Шуъабул-иймон»да ва Ибн Абдулбарр ривоят қилишган.

270. Муовия ибн Абу Суфён розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Аллоҳ кимга яхшилиқни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди. Албатта, Аллоҳ беради, мен тақсимловчиман, холос, Албатта, бу умматнинг иши Қиёмат қоим бўлгунча мустақимликда бардавом бўлади ёки то Аллоҳнинг иши келгунча»**, деяётганларини эшитдим».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

271. Касир ибн Қайсдан ривоят қилинади:

«Дамашқ масжидида Абу Дардо розияллоҳу анҳу билан ўтирган эдим. Унинг олдига бир одам келди ва: «Эй Абу Дардо, ҳузурингга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаҳарларидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилишинг ҳақида менга хабари етган ҳадис учун келдим. Ҳожат учун келмадим», деди.

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидагиларни айтганларини эшитдим: **«Ким илм талаб қилиш йўлига юрса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Албатта, фаришталар толиби илмни рози қилиш учун қанотларини қўяди. Албатта, олимга осмондаги зотлар, ердаги зотлар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истиффор айтади. Олимнинг обиддан фазли худди ойнинг бошқа юлдузлардан фазлига ўхшайди. Албатта, олимлар набийларнинг меросхўрларидир. Албатта, набийлар динорни ҳам, дирҳамни ҳам мерос қолдиришмаган. Албатта, улар илмни мерос қолдиришган. Ким ўшани олса, улуғ насибани олибди»**.

Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.